

Автоматлаштирилган тизим фермер хўжаликлари ҳақидаги барча маълумотларни доимий янгилаб бориш, банк билан хўжалик муносабатларини тартибга солиш ва яқинда хўжалик ҳақида аниқ, тўлиқ ахборотларга эга бўлиш имконини беради.

Шунинг учун ҳам ушбу автоматлаштирилган ахборот тизimini яратиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар ва банклар билан шартномаларни доимий янгиланган ҳолатда олишга ҳамда аниқланган турли камчиликларни бартараф этишга шароит яратади.

Фермер хўжалиги автоматлаштирилган тизимини яратишнинг маълумотлар базаси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

Меъёрий-ҳуқуқий маълумотлар базаси. Бир марта киритилади ва зарурат бўлганда янгиланади.

Фермер хўжалиги ҳақидаги (ер майдони, унинг ҳолати, техника, қандай маҳсулотлар етиштириш (хизмат)га ихтисослаштирилган, хўжалик раҳбари ва ишчилари ҳақида маълумотлар ва бошқалар) маълумотлар. Маълумотлар бир марта киритилади ва заруратга қараб янгиланади.

Фермер хўжалиги ва давлат буюртмалари (шартномалар).

Давлат буюртмалари (шартномалар) бўйича етиштириладиган маҳсулот тури, ҳажми, муддат ва бошқа маълумотлар мавсумда бир марта киритилади.

Фермер хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи-таъминотчи ташкилотлар ўртасидаги шартномалар. Маълумотлар мавсум бошида ва муомала давомида киритиб борилади.

Банклар билан шарнома. Маълумотлар мавсум бошида ва муомала давомида киритиб борилади.

Агротехник тадбирларнинг бориши ҳақидаги мавсумий (давоимий) маълумотлар.

Хизмат кўрсатувчи-таъминотчи ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ҳақида киритилиб бориладиган маълумотлар.

Иш ҳақи, пенсия, жисмоний шахслар солиқ тўловлари.

Солиқ, солиқ тўловлари, банк ва бошқа тўловлар ҳақида маълумот.

Ҳомийлик пул ўтказмалари ҳақида маълумотлар.

Ҳисоботлар.

Маълумотлар фермерлар, туман қишлоқ хўжалиги ҳамда сув хўжалиги бўлимлари, алоқадор ташкилотлар мутахассислари томонидан киритилиб борилади.

Ҳар хил кесимдаги ҳисоботларни ваколатга эга бўлган ташкилотлар ўзларига тегишли шаклда олишлари мумкин.

Маълумотларни киритиш ва ҳисоботларни олишда фойдаланувчиларнинг ваколат доиралари белгиланади ва ахборот хавфсизлиги таъминланади.

Маълумотлар базаси марказлаштирилган ва ҳудудларда жойлашган серверларда, тегишли қисмлари хизмат кўрсатувчи, буюртмачи-таъминотчи, банк, солиқ, ер кадастри ва бошқа алоқадор ташкилотларнинг серверларида сақланади ва бир бутун маълумотлар базасини ташкил этади.

Фойдаланувчилар, идоралар ва серверлар ўртасидаги ахборот алмашинуви локал, корпоратив ва интернет тармоқлари орқали амалга оширилади. Тизимга киришда логин, парол, электрон рақамли имзо, электрон калитлар ва белгиланган ахборот хавфсизлиги воситаларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек бу база талабалар ва тадқиқотчилар учун ҳам керакли манбаага айланиши мумкин.

Автоматлаштирилган тизимни қўллаш орқали муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, мутахассислар вақтини, хўжалик маблағларини тежаш, юқори самарадорликка эришиш имкониятлари яратилади.

**О.Қорабошев,  
ТошДАУ**

**Қонунларни ўрганайлик**

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИДИР

**Аннотация. Мақолада стандартлаштиришнинг аҳамияти ва бу борадаги ўзгаришлар таҳлили баён этилган.**

**Калит сўзлар: сифат, экспорт, маҳсулот, саноат, озиқ-овқат, стандарт. Метрология**

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг мавжуд муаммоларини ҳал қилишнинг асосий усулларида бири сифатида стандартлаштиришнинг роли ошиб бормоқда. Ягона стандартларнинг шаклланиши сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқариш,

халқ хўжалиги объектларини хавфсизлигини таъминлаш даражасини, ишлаб чиқариш жараёнларини самарадорлигини ошириш, хавф-хатарни баҳолаш, шунингдек атроф-муҳитни ҳимоя қилиш технологияларининг фаол тарқалишига ёрдам беради. Шу муносабат билан

айтиш мумкинки, ҳозирги кунда стандартлар - иқтисодиёт ривожланишининг муҳим қуролидир. Ўз навбатида Ўзбекистон танланган тараққиётининг ривожланиш моделидан келиб чиқиб ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасига асосланган ҳолда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бошқаришнинг хусусий моделини яратиш зарурати пайдо бўлди. Бунинг учун параллел равишда ташкилий масалалар

ечишиб, стандартлаштиришнинг қонуний асослари шакллантирилди.

Ўзбекистонда стандартлаштириш ва маҳсулот сифати соҳасида «Стандартлаштириш тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида стандартлаштириш тизимининг асосий принциплари тасдиқланган, стандартлаштириш бўйича ишларни асосий йўналишлари белгиланган ҳамда ушбу соҳадаги ваколатли давлат бошқаруви органлари аниқланган.

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни асосида стандартлаштириш бўйича ишларни қонуний асоси яратилган ва мажбурий бўлган талабларга риоя этишни давлат назорат ва текширув механизми белгиланган.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қонунларни мукаммаллаштириш мақсадида 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Стандартлаштириш тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Натижада мамлакатимизда маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларга бўлган мажбурий талабларни ишлаб чиқиш, ўрнатиш, ҳамда уларни риоя этилишни

давлат назоратини амалга оширишнинг самарали тизим яратилган. Стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш Республика иқтисодиёти тармоқлари ишини сифатини таъминлаш уларни ривожлантириш стратегияси масалаларини кўзда тутилган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш талабларини ҳисобга олиб, ягона ва яхлит стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш республика миллий тизимини яратган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти давлатлари билан хўжалик, савдо, илмий-техникавий ва савдо-иқтисод ҳамкорликни олиб боришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига биноан, стандартда белгиланган хавфсизлик талаблари, тамғалаш бирлиги ва назорат усуллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши мажбурий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш мақсадида стандартлаштириш бўйича ишлар тартибини ва асосий талабларини белгилаб берадиган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.10.2002 йилдаги 342-сонли қарори билан стандартларга риоя этиш давлат назорати қонидаси тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.08.1994 йилдаги 410-сонли «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Ўзстандарт» агентлиги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш доирасида ягона сиёсат функци-

ялари олиб бориши белгиланган. Халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда (савдодаги техник тўсиқлар бўйича келишув), агентлик томонидан ихтиёрийлик асосида стандартларни қўллаш тизimini киритиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелда қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни соҳа тараққиётини янги босқичга кўтарди. Шу қонунга кўра маҳсулотга ҳамма мажбурий талабларни ягона ҳужжатлар техник регламентида тўпланиши ва амалдаги стандартларни қўллаш ихтиёрий характерга ўтиши таъминланди. Техник регламентини киритиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар сонини қисқартириш ва хавфсизликни таъминлаш ва сифатини кўтаришга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан Ўзбекистон иқтисодиёти маҳсулот, ишлар, хизматларга қўйиладиган талаблар ўрнатишнинг халқаро амалиётига мос умуман янги бўлган тизимга ўтмоқда.

Қонун мажбурий талабларни ўрнатиш, қўллаш ва бажариш соҳасида, шунингдек маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади. Қонун қоидаларнинг амалга оширилиши минимал маъмурий аралаштириш ҳолати орқали хавфсизлик даражасини таъминлайди ва бозорда хавфли ҳамда сохталаштирилган маҳсулот пайдо бўлишини олдини олиш учун асослар яратади, шунингдек халқаро савдодаги техник тўсиқларни камайтиради.

**М.Назаров,  
ТошДАУ**

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдувалиев А., "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш". Дарслик. "Шарқ" 2018. 607 – б.

Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Латипов В.Б. Межотраслевые системы стандартизации. – Т., НИИСМС, 2008. – 284 с.

Исаев Р.И., Каримова У.Н., "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш". Дарслик.-Тошкент.: "Фан ва технология" 2011. 496 б.

Мирзиёев М.М. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тарақиёти ва халқ фаровонлигини гарови" Т. "Ўзбекистон" 2017й. 48 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2935-сонли қарори.

УДК 665.345.4

Ҳосилдорлик ошсин десангиз...

## ГЕРБИЦИДЛАР ВА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ СОЯ ИЛДИЗИ МАССАСИГА ТАЪСИРИ

**Аннотация:** Сорняки заглушают культурные растения, поглощая из почвы большое количество воды и питательных веществ, выделяя из корней в почву вредные вещества, лишая их света и т. д.; всё это снижает урожай, а в ряде случаев приводит к гибели посевов.

**Abstract:** Smaller, slower growing seedlings are more susceptible than those that are larger and more vigorous. Onions are one of the most vulnerable, because they are slow to germinate and produce slender, upright stems. By contrast beans produce large seedlings and suffer far fewer effects other than during periods of water shortage at the crucial time when the pods are filling out. Transplanted crops raised in sterile soil or potting compost gain a head start over germinating weeds.

Соя анча янги экин тури бўлганлиги сабабли зудлик билан улар орасида учрайдиган бегона ўтларга қарши кураш чоралари самарадорлигини турли хил экологик шароитдаги минтақаларда ўрганишни талаб этади.

Ўсимликларнинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши тупроқдаги микроэлементларнинг миқдори ҳам боғлиқ. Ҳаракатчан шаклдаги микроэлементларнинг етишмаслиги ҳам ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини чекловчи омил бўлиши мумкин. Бундай микроэлементларга бор, молибден, кобальт, марганец ва рух кирази. Турли тупроқларда микроэлементларнинг миқдори турличадир. Тупроқда бор ва молибден микроэлементлари кам бўлганда кўп йиллик дуккакли ўтлар баргидан шундай микроэлементлар билан озиқлантирилади. Бир гектарга бор 1 кг ёки 6 кг бор кислотаси, молибденнинг аммонийли

тузи 200 г меъёрида 200 л сувга араштирилиб 1 га экинзорга пуркалади. Микроэлементлар эритмасини пуркаш ўсимлик бўйи 25-30 см етганда ўтказилади (Н.Халилов).

Гербицидлар қўллангандан кейин ўсимликлардаги стресс ҳолатини олдини олиш учун ва ўсимликлар дон ҳосили ва сифатини ошириш учун микроэлементлар қўлланди. Ўсимликларда илдиз тизими қанчалик яхши ривожланса уларнинг озиқа элементларини ўзлаштириш даражаси ошади. Натижада ҳосилдорлик ва дон сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Тажиба натижалари шуни кўрсатадики, илдиз системаси глютамин синтези хлоропласт изоформасига нисбатан фосфинотрицинга юқори даражада сезувчанликка эга. Шунинг учун бу ферментни тақиқланишига сабаб ўсимлик хужайраларида катта миқдорда аммиак ҳосил қилишига олиб

келишидир, шунингдек муҳим аминакислоталар ва фотосинтез жараёнини бузади. Глютамин синтези жараёнида кўплаб аммиакни тўпланиши ўсимликларни фитотоксин жараёнига олиб келиши мумкинлиги кузатилади.

Тажиба натижаларидан кўриниб турибдики назорат вариантида гербицидлар ва микроэлементлар қўлланганда ўсимликларнинг илдиз тизими яхши ривожланмаган яъни ўртача 21,5 ц/гани ташкил этди. Бунга сабаб ҳаддан зиёд бегона ўтлар билан ифлосланганидир.

"Гайтан" препарати 4-5 л/га ва микроэлементлар 0,5 л/гадан 3 маротаба қўлланганда соянинг илдиз массаси ўртача 41,0-41,2 ц/га ташкил қилди. "Гамбит" препарати 3-4 л/га, микроэлементлар 0,5 л/гадан 3 маротаба қўлланганда эса илдиз масса 41,9 ц/га бўлгани аниқланди. "Гамбит" препарати қўлланганда илдиз массаси назоратга нисбатан 19,8 ц/га, "Гайтан" препарати қўлланганда эса 19,7 ц/га юқори бўлди.

Илдиз системасининг яхши ривожланганлиги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Илдизлари орқали ўсимликлар тупроқ таркибидаги озиқ элементлар ва сувни ўзлаштиради. Шунинг учун ўсимликларнинг илдизи қанчалик яхши ривожланган бўлса, уларнинг ер устки қисми ҳам шунчалик яхши ривожланиб ўсади. Ҳосил